



TOSHKENT DAVLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI



# XXI ASR - INTELLEKTUAL AVLOD ASRI

КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

12-13 июнь, 2013, Тошкент



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИСТЕЪДОД”  
ЖАМҒАРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

# XXI аср - интеллектуал авлод асри

**мвзусидаги илмий конференция  
материаллари  
тўплами**

## МУНДАРИЖА

### ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР СЕКЦИЯСИ:

Абдуллаева Б.С., Садикова А.В. Мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти ва инновацион ривожланишини таъминлашда рейтинг тизимининг имкониятлари.....	11
Абдуназарова А., Расулова Ш. Ўзга тилли гуруҳларда рус тилини ўқитишда замонавий интерфаол методлардан фойдаланиш.....	13
Абралова З.Д. XXI асрда бўлажак таълим менежерларининг бошқарувчилик фаолиятини илмий асосда ташкил этишнинг ўзига хослиги.....	15
Алимбоева Р.Д. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ҳаракатли ўйинларга ўргатиш методикаси.....	16
Анварова В.Ж. Болаларни мактабга тайёрлашда уларнинг нейропедагогик хусусиятларини ҳисобга олиш педагогик муаммо сифатида.....	18
Арзиев А.Б., Арзиева К.И. Роль внедрения электронного правительства в Узбекистане....	21
Арипова Ш.Д., Аюпова М.Ю. Мактабгача таълимда медиасаводхонлик даврининг энг долзарб масаласи сифатида.....	23
Ғайибова Н.А. Оила психологиясида фарзандлар ўзаро муносабатлари муаммоси.....	27
Ғафурова Н.М. Академик лицейларда электрон таълимий муҳитдан тарбия жараёнида фойдаланиш амалиёти.....	29
Гулбоев Н.Н. Хива хонлиги кўшин таркиби ҳарбий мусиқачилари.....	31
Дангалов С.М. Шеърининг мавзу ва образ жиҳатидан янгилашиши.....	33
Джамилова Н.Н. К вопросу формирования организаторских качеств у младших школьников (материалы исследования).....	37
Дильшодбеков Т., Д.Бабаева З.С. О теоретических предпосылках развития компьютерной лингвистики.....	40
Жалалова М.Т. Имконияти чекланган болаларни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш – соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида.....	42
Жалолов Б, Бегматов Р. Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш жараёнидаги теологик-экслектик тўсиклар.....	44
Закирова У.А. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари .....	46
Зеленский А.А., Джураев Ш.Т. Компьютерные технологии на уроках русского языка.....	48
Зиявитдинова Г.З. Иродавий сифатлар классификацияси.....	50
Зиядуллаев Д. Ш., Якубов М. С. Интеллектуал билимни шакллантиришда модулли - блокли ўқитиш усули.....	54
Искандаров Ш.А. Ўзбекистон араблари анъанавий кийимларининг ўзига хос хусусиятлари.....	56
Кадиров З.К. Масофадан ўқитиш технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари.....	58
Қаҳҳоров С., Раимов С. Ватанга фидойилик чин инсоний фазилат.....	60
Қодиров М.М. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий сифатларини шаклланишида ўқув-услубий мажмуаларининг аҳамияти.....	62



мустақил маълум бир мақсадга эришишга ўргатади, ўз-ўзини билим савиясини баҳолайди, ўзлаштириш ва билим олишдаги камчиликларини англайди.

Модулли - блокли технология жорий этилганда барча педагогик жараён иштирокчилари ўз - ўзини таҳлил, назорат, баҳолаш ва мослашиш кўникмаларига эга бўладилар. Ушбу технология шарофати билан "ўқитувчи-талаба" тизимида марказий ўрнида талаба бўлади. Модулли - блокли ўқитиш технологияси куйидагиларни таъминлайди: талаб килинган стандарт даражасида ва шахсий қобилиятларига мос ва талабанинг ўзлаштириш имконига қараб маълумотни сифатли ўзлаштириш; гуруҳли ва яқка тартибда ўқитиш фаолиятларини мувофиқлаштириш; талабаларнинг тез мослашиши.

Модули - блокли ўқитиш технологиясини амалда жорий этилиши талабанинг олган назарий билимларини бевосита тажрибада қўллаш амалий кўникмаларини шакллантиришга, унинг фан материалларини ўзлаштиришга ижодий ёндашишига, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш сирларини ўрганишга олиб келади.

## ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ АНЪАНАВИЙ КИЙИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ИСКАНДАРОВ Ш.А. ТДПУ, Тошкент

Ўзбекистон араблари яшаш турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи арабларни барчаси ҳам ўз миллий маданиятини сақлаб қолишмаган. Аммо Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудда истиқомат қилиб келаётган араблар ўзининг моддий маданиятини қисман бўлса ҳам сақлаб қолган. Бирок шўролар даврида олиб борилган мафқуравий сиёсат арабларнинг турмуш-тарзи, урф-одаглар ва анъанавий маросимларига ўз таъсирни кўрсатди.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча миллатлар ўзларининг миллий ва маданий марказларини тузиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, "Араблар миллий-маданий маркази"ни 1993 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони марҳум Муродилло Саидов таъаббуси билан тузишди<sup>53</sup>. Марказ томонидан Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг миллий, моддий, маънавий маданиятни асраб қолиш ҳамда ўзлигини англаш, қариятларини тиклаш, унутилиб кетаётган ўз опа тилиларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида Марказ Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг етакчилари томонидан йиғинлар ўтказилиб келмоқда.

Миллий марказ томонидан Ўзбекистон арабларининг этномаданий жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларини сақлаб қолиш чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтга келиб арабларнинг анъанавий маросимларида сақланиб қолган араб миллий рақслар, ашулалар мусикий санъати ҳамда миллий либос уй жихозлари удумлар бобида ҳам муқояси фан учун янгиликлар очмай қолмайди. Ўзбекистон ҳудудида араб номи билан боғлиқ бер неча кишлоқлар учрайди. Аммо улар ўз миллий кийим-кечаклари маълум жиҳатларни сақлаб қолган. Шу сабабли бўлса керакки арабларда миллий ўз-ўзини англаш, ҳис кучлироқдир<sup>54</sup>.

Жумладан, биз тадқиқот олиб бораётган Жейнов арабларининг андхуй уругига алоҳида уруг бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки араб миллий лисобларини аксарият андхуйлик қариялар томонидан жуда ҳам яхши сақланиб қолган. Андхуй уруг XIV-XVII асрларда Афғонистон ҳудудидаги Балх вилоятидан кучиб келиб ўрганишган бўлиш мумкин. Бу тўғрисида бир қатор олимлар томонидан тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. Жумладан, К.Ш.Шониёзов, Х.Исмоилов, Б.Х.Кармишева, О.А.Сухарева, П.Равшанов, М.Саидов, Р.Ражабов<sup>55</sup> каби тадқиқотчиларнинг ишларида учрайди. Юқорида номлар кайд этилган

<sup>53</sup> Панжиев Н. Эзгу ишларга ҳамоҳанг маърифат гулшани. // Қашқадарё газетаси. 2010. 9-февраль. 12-сон. // Қаранг: Саидов, М., Равшанов, П. Жейнов тарихи. Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996.

<sup>54</sup> Саидов, М., Равшанов, П. Жейнов тарихи. Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 251 - 252.

<sup>55</sup> Шониёзов К. О Традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. - Т.,



муаллифларнинг тадқиқот ишларида кўпроқ араблар тарихи ва қисман этнографияси билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган. Бизнинг мазкур тадқиқот ишида эса араблар турмуш-тарзи урф-одат ва анъанавий маросимларидаги ўзгаришига сабаб бўлган ички ва ташқи таъсирлари натижасида арабларни қандай қилиб ўзбек ёки тожиклаш сабабларини илмий жиҳатдан таҳлил этишдан иборатдир.

Арабларнинг анъанавий миллий либосларитўғрисида илмий тадқиқот ишлари олиб борган Ҳ Исмоилов арабларнинг моддий маданиятини тадқиқ этиб уларнинг ўзига хос локал жиҳатларини таҳлил этган. Чунки бирор бир олим томонидан Ҳ Исмоилов каби арабларнинг миллий кийим кечакларини ўзига хос хусусиятлари таҳлил эта олмаган. Олимнинг таъкидлашича, кекса эркаклар – “наббат” ёки “жадли”, кекса аёллар – бувилар “набба” ёки “жудо”, ўрта ёшли эркаклар “сабайин”, болалик аёллар – “кадаса”, ёш йигитлар – “рузьон”, қизлар – “бинад”, “бинт” киядилар<sup>56</sup>. Ўзбекистон арабларининг миллий либослари ҳозирги вақтга келиб унутилмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз, бошқа халқларда учрамайдиган бир жиҳат, яъни араблар кексайган сари миллий кийимларни кийишади. Бу ҳам арабларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Андхуй хотин-қизлари миллий либосни ёктиришади. Миллий либос уларга ярашади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлардаги айричалик шундаки, улар қадимда ижод этилганлиги билан ажралиб туради. Аёлларнинг бошида бўхнак бўлади. Бўхнак гиззи-оклачак устидан кийилади. Бўхнакнинг ҳилолсимон гушаси салқи тақиб юрилган<sup>57</sup>. Икки яноқда эса жажжи кулчадек қилиб юмалоқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Катмола деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола асл олтиндан ишланган бўлади.

Араб қизлари ҳали турмушга чиқмаган пайтларида сочларини кулоқ ўртига ташлаб юрадилар. Хотинлар, жувонлар эса сочларини кулоқнинг олдига тарам қилиб чиқарадилар. Ёши катта аёллар ок гиззи кийганлари сингари, ёш қизлар, жувонлар нафис ҳарир қизил гиззини хуш кўрадилар. Араб хотин-қизларига хос безаклар силсиласида хатабак-пешбанд алоҳида ўрин тутади<sup>58</sup>. Гиззи икки хил: биринчиси, қизил гизза, буни араб қизлари тўрт ёшдан бошлаб киядилар. Қиз гиззига қизил рангда бўлиб, уни қизлар турмушга чиққан кунларидан бошлаб киядилар. Ёш қизалоқлариникидан биров фарқ қиладиган, худди шундай бош кийимни ёш жувонлар ҳам кийишади. Ёш қизалоқ ва қизлар учун гиззи қизил сатиндан, аёллар учун эса ок рангли матодан тайёрланади. Ёши қизалоқ ва қизлар учун гиззи қизил сатиндан, аёллар учун эса ок рангли матодан тайёрланади. Ёши каттароқ аёллар уйдан чиққанларида одатда, гиззи устидан катта ок рўмол ёниб оладилар. Баъзи жейновлик аёллар бу рўмолни “латта”, “араби”, “рўмол” деб ҳам атайдилар. Гиззи икки қисм матодан тикилади: биринчи қисманча узун бўлиб, елкани қоплаб, то тўпикка қадар тушади. Унинг юқори тарафида юз учун очик жой қолдирилади. Иккинчи қисм эса ияк остидан кийишга мўлжаллаб тикилади, тугмачалар, тангачалар, ҳар хил тақинчоқлар билан безатилади. Ёш қизалоқлар гиззисининг пасғки олд тарафи камтарона безатилса, аксинча, вояга етган қизларники қимматбаҳо тошлар, тақинчоқлар билан орасталанади. Гиззининг юз атрофи қисми саккиз-ўн қаторлама қорага ок билан тикилган каштадан иборат бўлади. Араб қизлари турмушга чиққанларидан кейин уч кун ўтказ, “қасабандан”, яъни кўрпа йигди деган маросим ўтказилади. Бу маросимда кишлоқ аёллари катнашадилар. Куёвнинг отаси мол сўйиб кишлоқ аёлларига зиёфат беради. Келиннинг яқинлари совға-салом олиб келади. Шу кун келинга

1972. – С. 100-116; Исмоилов Х. Поселения и жилища сельского населения Ферганской долины // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., 1972. – С. 69-98; // Кармышева Б.Х. Основные виды переносного жилища узбеков // Кочевое жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 2000. – С. 50-78; Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. – Т., 1981; Сухарева О.А. Опыт анализа покровов традиционной «туникообразной» среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 77-102.

<sup>56</sup> Ражабов. Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарк, 2012. Б. 312.

<sup>57</sup> Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти. Миришкор тумани, Жейнов кишлоғи. 2011. йил.

<sup>58</sup> Саидов. М., Равшононов. П. Жейнов тарихи. Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 252



қизил газмолдан тикилган қалин каштали, хошияли бош кийим-бухнак кийдирилади. У пешонадан бетгача тушиб, пешона, кулок-чаккани ёпиб туради. Боғичи билан ияк остидан боғланади. Бухнак устидан эса тақинчоқ синсила тақилади. Бош ва пешона тақинчоғи бўлган силсила байрам кийими билан бирга тақиладиган кийим тақинчоқлар мажмуасидир<sup>59</sup>.

Ўзбекистон арабларнинг кийим-кечакларида тайёрлаш усулда ҳам фаркни кўриш мумкин. Жумладан гиззи тайёрлашда Жейнов араблари гиззани купинча оқ сурдан қилишса, деновлик ва самарқандлик араблар аёллари уни рангли, кўк ёки очик бинафша ранг матодав ҳам тайёрлашади. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқандда яшовчи арабларнинг гизза илгари даврларда деб эслайди. 4 метр сурпидан иборат бўлган<sup>60</sup>. Ўзбекистон арабларнинг миллий кийим-кечаклар маросимий кийимлар тўй, никоҳ, дафн кийимлар айрим ўзига хос хусусиятини кўриш мумкин. Юқорида номлари айтиб ўтилган кийимлар арабча аталиши ва қадимий безаклари билан фаркланади.

## МАСОФАДАН ҲУКИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

КАДИРОВ З.К. ТДПУ, Тошкент

Янги ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил қилиш масаласини қарайдиган бўлсак, бунда энди ҳуқитишнинг "синф-дарс" шакли (ёки усули) умуман ояганда инкор этилмагани ҳолда, таълим жараёни қатнашчиларини "битта синфда" эмас, балки исталган узокликдаги масофага кўчирган ҳолда янги ахборот коммуникацион технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиб таълим жараёнини ташкил қилиш назарда тутилади. Ҳозирги кунда ўнлаб мамлакатларда масофадан ҳуқитиш расман жорий қилинган ва бу йўналишда маълум тажриба тўпланган бўлиб, ҳуқитишнинг бу шакли орқали минглаб "ҳуқувчилар" таълим олишмоқда.

Масофавий таълим - махсус ҳуқитиш воситалари ёрдамида, ҳуқитувчи билан телефон, электрон ёки оддий почта орқали боғланиши, шахсий жадрвал билан ўзи хоҳлаган жойда ҳуқиши, ўзи устида интенсив, мустақил ишлаши лозим бўлган, мақсадга йўналтирилган билим олиш тури. Масофавий таълимда ҳуқитиш субъекти ва объектини бир бири билан ва ҳуқитиш воситалари билан мақсадли, интерактив, асинхрон, ўзаро боғланиш жараёнидир. Ҳуқитиш жараёни элементлари ҳуқитиш мақсади, мазмуни, методи, воситалари, ташкилий шакллари, моддий, молиявий, иқтисодий, меъёрий, ҳуқуқий қуйи тизим элементларидан иборат махсус педагогик тизимда олиб борилади.

Мазкур таълим тизими инсонпарварлик принципларига тўла жавоб беради яъни, ҳуқишга бора олмаган, географик ёки вақтинча изоляцияда қолиб айрим жисмоний қамчиликлари туфайли умутаълим ҳуқув муассасаларига бора олмаганлар, ишлаб чиқариш ёки шахсий ишлари билан банд бўлганлар ҳам ҳуқиши мумкин. Масофавий таълим жамият ва таълим тизимини информатизациялашни объектив натижаси бўлган ҳолда, таълим олишни энг перспектив, инсонпарвар интеграл шакли сифатида XXI асрга кириб келди.

«Масофали таълим» ва «масофадан ҳуқитиш» атамалари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни, масофали таълим тизими шаклланган вақтдан бошлаб, мунтазам қўлланиладиган бўлди. Айни вақтда масофали таълим тизими такомиллашган бўлишига қарамай, «очик таълим», «масофали таълим» ҳамда «масофадан ҳуқитиш» каби атамаларнинг моҳияти борасида мунозаралар ханузгача давом этмоқда.

«Масофали таълим» атамаси рус ва инглиз тилларида яратилган манбаларда ўзининг барқарор ўрнига эга бўла олмаган. Ушбу тушунча «масофали таълим» (distant education), «масофадан ҳуқитиш» (distant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Айрим хорижлик

<sup>59</sup> Дониёров, А.Х. Буриев, О. Аширов, А.А Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Т.: Янги нашр, 2011. Б. 238-239.

<sup>60</sup> Ражабов, Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарк, 2012. Б. 313-314.